



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

КОММУНАЛ ВА МЕХНАТ ГИГИЕНА КАФЕДРАСИ

«Тасдиқлайман»

**Тошкент Тиббиёт академияси
Укув ишлари буйича проректор
т.ф.д. _____ Боймурадов Ш.А.
«_____» _____ 2018 йил**

**Коммунал гигиена фанидан амалий
кўникмаларни қадамма қадам бажариш ҳаракат
алгоритмлари**

ТОШКЕНТ

Ишлаб чиққан ташкилот

- Тошкент тиббиёт академияси
- Коммунал ва меҳнат гигиена кафедраси

Тузувчилар: Искандарова Г.Т. - ТТА Коммунал ва меҳнат гигиена кафедраси мудири, т.ф.д., профессор
Шерқўзиева Г.Ф. - ТТА Коммунал ва меҳнат гигиена кафедраси т.ф.н., доцент
Юсупхўжавеа А.М. - ТТА Коммунал ва меҳнат гигиена кафедраси катта ўқитувчиси

Материаллар ТТА “Тиббий профилактика факультети “Циклопредмет секцияси”да

Муҳокама қилинди ва тасдиқга тавсия этилди

Баённома № _____ 20 й

Мундарижа

1. Аҳолининг касалланишини ўрганиш _____	5
2. Ўлим сабабларини ўрганиш _____	5
3. ДСЭНМ фаолиятини режалаштириш _____	6
4. Соғломлаштириш тадбирларининг комплекс режасини тузиш _____	8
5. Йиллик ҳисобот асосида дсэнм-нинг фаолиятини таҳлил қилиш _____	9
6. Коммунал объектларнинг қурилиши учун ер майдонини ажратилиши бўйича санитария хулосасини бериш _____	11
7. Марказлашган сув таъминоти учун сув манбаидан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш _____	12
8. Турар-жой бинолари, маданий – маиший объектлар, даволаш- профилактика муассасаларини фойдаланишга қабул қилиш _____	13
9. Назорат остидаги объектларда санитария қоидалари ва гигиеник меъёрларнинг бузилганлиги учун маъмурий чоралар ва жарималарни расмийлаштириш _____	13
10. Ичимлик сувининг лаборатория текшириши натижаларини баҳолаш _____	14
11. Хоналарнинг микроиклим кўрсаткичларини текшириш ва баҳолаш _____	15
12. Хоналарнинг инсоляция, табиий ва сунъий ёруғлик кўрсаткичларини текшириш ва баҳолаш _____	16
13. Турар жой бинолари хоналарнинг ҳавонинг ҳаракат тезлигини текшириш ва баҳолаш _____	16
14. Хоналарнинг инсоляция, табиий ва сунъий ёруғлик кўрсаткичларини текшириш ва баҳолаш _____	17
15. Шовқин ва тебраниш жадаллигини текшириш ва баҳолаш _____	18
16. Хоналарни шамоллатиш самарадорлиги ва ҳаво алмашилиш қарралигини аниқлаш _____	18
17. Тупрокнинг донаторлигини текшириш ва баҳолаш _____	19

18. Тупрокнинг ғоваклилигини текшириш ва баҳолаш _____	20
19. Тупрокнинг сув ўтказувчанлигини текшириш ва баҳолаш _____	20
20. Аҳоли яшаш жойларида ҳавонинг чангланганлигини текшириш ва баҳолаш _____	21
21. Сув тарқатиш тармоғидан ичимлик сувидан лаборатория текширишлари учун намуналар олиш _____	21
22. Сув ҳавзалардаги сувдан лаборатория текширишлари учун намуналар олиш _____	22
23. Чиқинди сувлардан лаборатория текширишлари учун намуналар олиш _____	22
24. Лаборотория текширишлари учун атмосфера ҳавосидан асперацион усулда намуналар олиш _____	23
25. Лаборотория текширишлари учун атмосфера ҳавосидан вакуум усулида намуналар олиш _____	23
26. Лаборотория текширишлари учун тупроқ намунасини олиш _____	24
27. Сувнинг кўрсаткичларини текшириш _____	24
28. Сувнинг кимёвий кўрсаткичларини текшириш _____	25
29. Ичимлик сувининг лаборатория текшириши натижаларининг таҳлили ва уни баҳолаш _____	25
30. Сувни тозалаш учун коагулянт дозасини аниқлаш _____	26
31. Сувни тозалаш учун хлор дозасини аниқлаш _____	27
32. Сувдаги қолдиқ хлор миқдорини аниқлаш _____	27
33. Тупроқнинг органик ифлосланиш кўрсаткичларини текшириш ва баҳолаш _____	28
34. Тупроқни гельминтоовоскопик текшириш ва олинган натижаларни баҳолаш _____	28
35. Ҳаво муҳитининг кимёвий ифлосланишини тезкор усулларда текшириш ва баҳолаш _____	29

1. АҲОЛИНИНГ КАСАЛЛАНИШИНИ ЎРГАНИШ

Касалланиш- аҳолининг санитар ҳолатини, соғлиқни сақлаш органлари фаолиятининг сифати ва самарадорлигини баҳоловчи муҳим мезонлардан бири ҳисобланади. Касалланишнинг динамикасини ўрганиш аҳоли ўртасида кузатиладиган паталогияларнинг ўзгариши ва силжишини намоён қилиш учун зарурдир.

Мазкур кўникмани ўзлаштириш учун: ЎзР вилоятлари бўйича охириги йиллардаги касалланиш ҳақидаги маълумотлар: “Юқумли касалликлар ҳақида шошилиш хабарнома” тўлдирилган варақлар (ф.058/у); аҳолининг касалланиш кўрсаткичларини ўрганиш ва ҳисоблаш усуллари; калькулятор зарур.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Текширишнинг мақсади ва вазифасини аниқлаш.
2. Зарурий статистик материалларни тўплаш (касалланиш ҳақидаги маълумотлар)
3. Статистик кўрсаткич маълумотларини гуруҳлаш ва ҳисоблаш.
4. Олинган натижаларни таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ва касалланиш кўрсаткичларини камайтириш учун амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

1. Касалланиш бўйича материаллар йиғишни ташкил этишда қандай омиллар ҳисобга олинади?

+иклимий- географик шароитлар

+демографик кўрсаткичлар

-картографик кўрсаткичлар

-эпидемиологик кўрсаткичлар

2. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддаларни таъсири натижасида юзага келадиган ўткир заҳарланиш қандай шароитларда юзага келади?

+ифлослантирувчиларнинг юўори концентратсияси

+штил

-қурумнинг паст концентратсияси

-атмосферанинг шамол эсадиган пайти

2. ЎЛИМ САБАБЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Аҳолининг ўлими аҳолининг саломатлик ҳолатини баҳолашдаги муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Аҳолининг ўлим даражасини ва унинг сабабларини ўрганиш аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифатини яхшилашга ва аҳолининг касалланиши ва ўлимини камайтиришга қаратилган мақсадли соғломлаштириш тадбирларини ўтказишни асослашга ёрдам беради.

Кўникмани ўзлаштириш учун : муайян ҳудудда ва ўрганилаётган маълум вақт ичида аҳолининг ўлими ҳақидаги маълумотлар; тўлдирилган “Ўлим ҳақидаги врачлик гувоҳномаси”(ф.106/у); ўлим кўрсаткичларини ҳисоблаш усули зарур.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Текширишнинг мақсади ва вазифасини аниқлаш.
2. Зарурий статистик материалларни тўплашни ўтказиш
3. Танланган материалларни гуруҳлаш ва маълумотнома тайёрлаш
4. Статистик ўлим кўрсаткичларини ҳисоблаш
5. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш ва аҳолининг ўлим кўрсаткичинини пасайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш

1 Касалланишни ўрганиш усуллари кўрсатинг?

- +тиббий ёрдамга мурижатлар бўйича
- +тиббий кўрик натижалари бўйича
- +ўлим сабаблари бўйича
- юқумли касаллик маълумотлари бўйича
- юқумсиз касаллик маълумотлари бўйича
- гелминтологик касалликлар бўйича

2 Аҳоли касалланишини ўрганиш бўйича ДПМлардан олинган зарур материаллар гуруҳига нималар киради?

- +1 тиббий ёрдамга мурижатлар бўйича
- +тиббий кўрик
- +диспансер ҳисобот
- биохимик кўрсаткичлар
- бактериологик кўрсаткичлар
- микробиологик кўрсаткичлар

3. ТУМАН ДСЭНМ КОММУНАЛ ГИГИЕНА БЎЛИМИ ИШ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

ДСЭНМ коммунал гигиена бўлими иш фаолиятини режалаштириш шу ҳудуддаги санитария эпидеми-ология хизматини бошқаришнинг асоси ҳисобланади, режалаштиришни ташкил қилиш ва режалаштирилган тадбирларни бажариш учун шу маъмурий бирликнинг давлат бош санитар врачлари, унинг ёрдамчиси, ҳамда ДСЭНМ даги бўлим бошлиғи жавобгардирлар. ДСЭНМ коммунал гигиена бўлими ишини режалаштиришдаги мақсадга мувофиқ усул муаммоли тематик усул ҳисобланади.

Келгуси йил учун ДСЭНМ коммунал гигиена бўлими ишини режалаштиришда қуйидаги материаллар бўлиш керак: ДСЭНМ коммунал гигиена бўлими йиллик режасининг намунаси, ҳамда туманнинг санитар ҳолатини таҳлил қилиш учун зарурий материаллар: аҳолининг саломатли-ги тўғрисидаги маълумотлар (туғилиш, ўлиш, шу жумладан, болалар ўлими, болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари, касалланиш - вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик билан умумий ва юқумли касаллик даражаси, жароҳатланиш даражаси), аҳолининг турмуш ва меҳнат шароитлари ҳақидаги маълумотлар, атроф муҳитнинг ҳолати, аҳолининг ижтимоий таъминланганлиги, юқори ташкилотларнинг директив кўрсатмалари.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

- 1. Йиллик режанинг асосий булимлари рўйхатини тузиш ва уни схемага киритиш.**

т/г	Тадбирлар	Бажарувчи	Бажариш муддати	Бажарилиш белгиси	Изоҳ

1	Ташкилий тадбирлар ва кадрлар билан ишлаш				
2	Аҳолининг касалланиши олдини олиш ва пасайтиришга доир тадбирлар				
3	Умумсанитар соғломлаштириш тадбирлари				
4	Бўлимнинг моддий техник таъминланганлиги				

1. Ташкилий тадбирлар ва кадрлар билан ишлашни режалаштириш:

- ҳокимият, жамоат, касаба ташкилотларида кўриб чиқиш учун саволлар ва режаларни тайёрлаш;
- ҳокимиятнинг доимий ҳайъати, фавқулодда ва эпидемияларга қарши ҳайъатлар йиғилишида кўриб чиқиш учун саволлар тайёрлаш.
- коллегиялар, тиббий кенгаш, соғлиқни сақлаш органларида кўриб чиқиш учун саволларни тайёрлаш;
- сан эпидкенгаш, санитар-фелдшерлар ва лаборантлар кенгаши, жамоат санитар инспекторлар ва б. қ. ишларни режалаштириш;
- кадрлар билан ишлаш бўйича тадбирлар.

2. Аҳолининг касалланишини олдини олиш ва пасайтиришга доир тадбирларни режалаштириш:

- ташқи муҳит омилларини ифлосланиши аҳоли саломатлигига ва санитария турмуш тарзига таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар
- физик , биологик ва кимёвий омиллар салбий таъсирини олдини олиш.

3. Умумсанитар соғломлаштириш тадбирларини режалаштириш:

- огоҳлантирувчи санитария назорати (ОСН);
- атмосфера ҳавосининг санитар муҳофазаси;
- турар-жойларга доир шовқин ва тебранишлар билан кура-шиш;

4. ДСЭНМ КОММУНАЛ ГИГИЕНА БЎЛИМИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИНГ КОМПЛЕКС РЕЖАСИНИ ТУЗИШ

ДСЭНМ фаолиятида кун сайин худуд, маъмурий бирлик, айрим объектлар ва б.қ. лар доирасида ягона комплекс режаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. (атроф-муҳитни соғломлаштириш, айрим патология шакллариининг профилактикаси, шовқинга қарши кураш,). Бундай режа санитария ва эпидемияларга қарши, ҳамда даволаш профилактикага доир тадбирлар комплексини ўз ичига олади; уни амалган оширишда, тиббий ходимлардан ташқари бошқа идора, ташкилот , муассасалар ҳам қатнашади.

Мазкур кўникмани ўзлаштириш учун режа топшириш зарур.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Комплекс режанинг таркибий қисмини тузиш:
 - асосий вазифалар;
 - умумташкилий саволлар;
 - санитар-техник тадбирлар;
 - режалаштирувчи тадбирлари;
 - технологик тадбирлар;
 - қонуний ташкилий тадбирлар
 - режани бажаришнинг моддий таъминоти.
2. Асосий вазифалар рўйхатини кўрсатиш:
 - аҳолини яшаш шароитларини соғломлаштириш;
 - умумий ва юқумли касаланишни пасайтириш;
 - аҳолига тиббий ёрдам хизматини кўрсатишни яхшилаш.
3. Режалаштириладиган ташкилий саволлар рўйхатини тузиш
 - аҳолини касалланиш ва жароҳатланиш ҳолатлари ҳақида жамоат ташкилотлари, юқори тиббий ташкилотларда маълумотлар бериши ва маърузалар қилиши;
 - комплекс режанинг бажарилишини текшириш натижалари тўғрисида маълумотнома тайёрлаш ва уни муҳокама қилиш;
 - аҳоли ўртасида санитария- оқартув ишларини амалга ошириш;
 - санитар фаолларни тайёрлаш
4. Санитар- техник тадбирлар рўйхатини тузиш:
 - тозалаш курилмаларини иш самарадорлигини баҳолаш
 - шамоллатиш мосламаларини иш самарадорлигини баҳолаш.

- шовқин ва тебранишга қарши кураш
- турар жой ва жамоат биноларида номувофик микроклимнинг негатив таъсирини олдини олишга доир тадбирлар;
- аҳолии турар жой минтақаси ҳавосининг ифлосланишини камайтириш бўйича тадбирлар;

5. Режалаштирувчи тадбирлар рўйхатини тузиш:

- аҳоли турар жойи ҳудудини санитар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш;
- аҳолии турар жойларини функционал минтакалаштириш;
- санитария химоя минтакаларини ташкиллаштириш

6. Технологик чора тадбирлари рўйхатини тузиш:

- экранлаштириш
- гермитизация;
- узулуксиз ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш;
- зарарли хом ашёни кам зарарли ёки зарарсиз хом ашёга алмаштириш;
- алангали иситиш тизимини электр иситиш тизимига ўтказиш.

7. Конуний ва ташкилий тадбирлар:

- бажарувчилар штатини режалаштириш;
- кучли конунчиликни яратиш;
- капитал таъмирлашни ўтказиш учун маблағ ажратиш;
- технологик жараёнларни реконструкция қилиш учун маблағ ажратиш;
- аҳоли яшаш ҳудудини ободонлаштириш, тиббий муассасалар тармоғини кенгайтириш ва транспорт билан таъминлаш учун маблағ ажратиш.

5. ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ АСОСИДА ДСЭНМ КОММУНАЛ ГИГИЕНА БЎЛИМИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Йиллик ҳисобот асосида ДСЭНМ коммунал гигиена бўлимининг фаолиятини таҳлил қилиш, врач-нинг кундалик иш фаолиятида ва илмий ишларни бажариш учун ҳам зарур-дир. Бундай таҳлил оператив тарзда раҳбарликни амалга ошириш, ДСЭНМ коммунал гигиена бўлимининг фаолиятини бошқариш, назорат қилишга ёрдам беради, соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳамма бўғимлар орасидаги алоқани таъминлайди.

ДСЭНМ коммунал гигиена бўлимининг келажакдаги фаолиятини режалаштиришни амалга ошириш-га шароит яратади.

Бу ишлардаги амалий кўникмаларни ўзлаштириш учун ДСЭНМ коммунал гигиена бўлимларининг амалдаги ҳисоб-китоблари ва ҳисоботлари керак бўлади

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Ҳисоботда ДСЭНМ коммунал гигиена бўлими йиллик ҳисоботларидаги асосий маълумотлар рўйхати борлигини аниқлаш:
 - тушунтириш хати;
 - коммунал гигиена бўлими штати ва таркиби;
 - огоҳлантирувчи санитария назорати;
 - жорий санитария назорати;
 - эпидемияларга қарши тадбирлар;
 - ДСЭНМ коммунал гигиена бўлими фаолиятида маъмурий мажбурлаш тадбирлари;
 - аҳолини гигиеник маҳоратларга ўқитиш бўйича ишлар;
 - жамоатчилик асосидаги санитария инструкторлари билан амалга оширилган ишлар;
 - дезинфекцияловчи жиҳозлар билан таъминланганлик;
 - транспорт воситалари билан таъминланганлик.

2. Тушунтириш хатининг сифатини баҳолаш:
 - хизмат кўрсатувчи туманнинг таърифи;
 - демографик кўрсаткичлар;
 - хизмат кўрсатиладиган туман аҳолисининг касалланишининг таҳлили (умумий, вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик, юқумли, касбий, жароҳатланиш кабилар).

3. Ташкилиш кўрсаткичларни баҳолаш.
 - врачлар ва ўрта тиббий ходимлар штатининг тўлиқлиги;
 - кадрлар ҳақидаги маълумотлар.

4. Огоҳлантирувчи санитария назорати кўрсаткичларини баҳолаш.
 - ер участкасини ажратилиши бўйича ҳулоса сони;
 - кўриб чиқилган турли объектлар лойиҳаларининг сони;
 - четлаштирилган лойиҳаларнинг солиштирма ҳажми;
 - назорат текширувидаги қурилаётган объектларнинг сони;
 - фойдаланишга топширилган объектларнинг сони;
 - санитария хизмати билан келишилмаган ҳолда фойдаланишга топширилган объектлар сони;
 - огоҳлантирувчи санитария назорати бўйича бошқа тадбирлар.

5. Жорий санитария назорати кўрсаткичларини баҳолаш.
 - назоратдаги объектларнинг санитария кузативига олинишининг тўлиқлиги;
 - битта объектни ўртача текширилиш сони;
 - назоратдаги объектларда врач текширувининг солиштирма оғирлиги (текширишларнинг умумий сони);

- лаборатория ва инструментал усуллар билан олиб борилган санитария текширишларининг солиштирма вазни;
- санитария талабларига жавоб бермайдиган сув тарқатиш тармоқларининг солиштирма ҳажми;
- санитария талабларига жавоб бермайдиган маҳаллий сув таъминоти манбаларининг солиштирма миқдори.

6. ДСЭНМ коммунал гигиена бўлими томонидан қўлланилган маъмурий мажбурлаш тадбирларининг тахлили
- солинган ва ундирилган жарималар сони;
 - тергов органларига топширилган ишлар сони;
 - фаолияти тўхтатилган объектлар сони;
 - ДСЭНМ коммунал гигиена бўлими тавсиясига кўра лавозимидан четлатилган шахслар сони.

7. Қилинган таҳлил бўйича хулоса тузиш

6. КОММУНАЛ ОБЪЕКТЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ УЧУН ЕР УЧАСТКАСИНИНГ АЖРАТИЛИШИ БЎЙИЧА САНИТАРИЯ ХУЛОСАСИНИ БЕРИШ

Мазкур кўникма турли хилдаги объектларни қуриш соҳасида ОСН нинг энг муҳим қисми ҳисобланади.

Кўникмани амалга ошириш учун: «ЎзР нинг «Аҳолини санитар эпидемиологик осойишталигини таъминлаш тўғрисида»ги қонуни (2015), туманнинг санитар ҳолати ҳақидаги маълумотнома, мувофиқ объектлар учун СанҚ ва М ва Қ М ва Қ лар зарур.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Объектнинг қурилиши учун ер участкасини ажратиш бўйича махсус комиссияни қуйидаги таркибда тузиш: маҳаллий ҳокимият вакили, буюртмачининг вакили, лойиҳалаштирувчи ташкилотнинг вакили, ДСЭНМврачи.
2. Ер участкасининг ўлчамларини келишиб олиш.
3. Санитария - ҳимоя минтақасини инобатга олиш (агар бунга зарурият бўлса).
4. Ер ости сувларининг жойлашиш баландлиги, очиқ сув ҳавзаларининг мавжудлиги.
5. Чиқинди сувларининг чиқарилиши мумкинлигини баҳолаш.
6. Жойнинг релефини баҳолаш, ер участкасининг инсолясияси, йўл тармоқларининг мавжудлиги.
7. Йиллик шамоллар йўналишини ҳисобга олиш

8. Ажратилган ер участкасининг санитар ва эпидемиологик ҳолати, илгари бу жойдан қандай мақсадларда фойдаланилган.
9. Маҳаллий канализация тармоғига уланишнинг мумкинлиги (агар бўлса).
10. Объектни ичимлик суви билан таъминлаш мумкинлигини баҳолаш.
11. Ер участкасини танлаш бўйича хулоса тузиш (ф. 301/у) ва қайд дафтарига ёзиб қўйиш (302/у).

7.МАРКАЗЛАШГАН СУВ ТАЪМИНОТИ УЧУН СУВ МАНБАИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУМКИНЛИГИ ҲАҚИДА ХУЛОСА БЕРИШ

Мазкур кўникма марказлашган сув таъминотини ташкил қилиш учун у ёки бу сув манбаидан фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги саволни ҳал қилиш учун зарур ва ОСН-нинг аҳолини сув билан таъминланишини гигиеник назорати соҳасидаги муҳим қисми ҳисобланади.

Хулосани тузиш учун: 951-2011 Давлат Стандарти, сув манбаини санитар текширишдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, манбадаги сувнинг сифатини лабораторияда текширилиш натижалари зарур.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Вазифани белгилаш ва сувни лабораторияда текшириш учун керак бўладиган миқдори.
2. Сув манбаини санитар-топографик текширишдан ўтказиш, лаборатория текширишлари учун сув намуналарини олиш ва уларни лабораторияга жўнатиш.
3. Ўтказилган текшириш материалларини жамлаш, уларнинг тўлиқлигини баҳолаш.
4. Материалларнинг таҳлили билан сув манбаини қуйидаги йўналишлар бўйича баҳолаш:
 - сув манбаининг табиати, унинг дебити ва санитар ҳолати;
 - сув манбаининг маълум муддатга мўлжалланган дебити ҳолатини ва ифлослаши мумкин бўлган манбаларини тахмин қилиш;
 - манбадан сувни олиш мумкинлиги ва санитария химоя минтақалари-ни ташкил қилиш;
 - сувнинг сифат кўрсаткичларининг 951-2000 Давлат Стандарти талабларига мувофиқлиги;
 - сув манбаининг тоифаси ва уни 950-2011 Давлат Стандарти талаблари даражасигача ўтказиш мақсадида, сувни тозалаш учун керак бўладиган тадбирлар.
5. Марказлашган сув таъминоти учун сув манбаидан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида умумий хулоса тузиш

8. ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИ, МАДАНИЙ - МАИШИЙ ОБЪЕКТЛАР, ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАЛАРИНИ ФОЙДАЛАНИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Мазкур иш тури ОСН турар-жой ва жамоат муассасалари қурилиши соҳасининг муҳим бир қисми ҳисобланади. Санитария ва ҳаёт тартиби вазири мазкур ишни объектларни фойдаланишга қабул қилиш ҳайъатининг аъзоси сифатида бажаради.

Объектни фойдаланишга қабул қилишда қуйидаги материаллар зарур: Мазкур объектнинг лойиҳаси, объектни дастлабки қабул қилиш баённома-си, қуриб битказилган объект.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Техник ҳайъат таркибини ўрганиш (буюртмачи, бош пудратчи, ишни бажарувчи пудратчи, шаҳар коммунал хўжалиги бўлимидининг вакили, санитария ва ҳаёт тартиби вазири).
2. Янги қурилиш объектини кўриқдан ўтказиш билан дастлабки қабул қилиш баённомасини тўлдириш.
3. Дастлабки қабул қилиш баённомасини лойиҳа билан таққослаш.
4. Объектни фойдаланишга топшириш бўйича Давлат комиссияси ишида иштирок этиш ва баённома тузиш:
 - қурилишнинг номи ва манзилгоҳи;
 - ҳайъат таркиби;
 - тугалланган объектга қисқача таъриф;
 - қурилиш ишларининг белгиланган муддатда бажарилганлиги;
 - тасдиқланган лойиҳадан четга чиқиш ҳолатлари;
 - умумқурилиш, санитар-техник ва махсус ишларнинг сифати;
 - камчилик ва нуқсонларни рўёбга чиқариш;
 - объектни фойдаланишга қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳайъатнинг ҳулосаси.

9. НАЗОРАТ ОСТИДАГИ ОБЪЕКТЛАРДА САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ ВА ГИГИЕНИК МЕЪЁРЛАРНИНГ БУЗИЛГАНЛИГИ УЧУН МАЪМУРИЙ ЧОРАЛАР ВА ЖАРИМАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Мазкур иш турига зарурият назорат остидаги объектларда гигиеник талабларнинг бир неча бор бузилиш ҳолатлари кузатилганда туғилади.

Кўникмани ўзлаштириш учун қуйидагилар зарур: «ЎзР-нинг санитария эпидемиология хизмати ҳақидаги Низом» (20.04.96), «ЎзР нинг «Аҳолини санитар эпидемиологик осойишталигини таъминлаш тўғрисида»ги қонуни (2015), объектни аввалги санитария текширувидан ўтказилганлиги тўғрисидаги баённомаси билан санитария қоидалари ва меъёрларини бузилганлиги ифода этилган хулосаси.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Объектни теширишдан ўтказиш ва санитария текшируви баённомасини тузиш (ф. 315/у).
2. Санитар-гигиеник ва эпидемияларга қарши меъёрлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ҳақида далолатнома тузиш (ф. 309/у) - санитария врачлари томонидан тузилади.
3. Жарима солиш тўғрисида Бош санитар врачининг қарорини чиқариш (ф. 310/у).
4. Жарима солинган шахсга жаримани ихтиёрий равишда қисқа муддат ичида топширилиши кераклигини (жарима солиш учун қарор чиққан кундан сўнг 15 кун ичида) кўрсатиш.

10.ИЧИМЛИК СУВНИНГ ЛАБОРАТОРИЯ ТЕКШИРИШИ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Мазкур кўникма аҳолининг сув билан таъминланиши сифатини назорати соҳасидаги ДСЭНМ врачлари ишининг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади.

Сувнинг сифатини баҳолаш учун қуйидагилар зарур: сувнинг лаборатория текшириш баённомаси, 950-2011 Давлат Стандарти, сув учун кимёвий моддаларнинг РЭК рўйхати.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Баённоманинг паспорт қисмини тўғри расмийлаштирилганлиги, намуналарни текшириш учун ўз вақтида етказилганлиги ва намунанинг ўралиш ҳолатини баҳолаш.
2. Текширишнинг тўлиқлиги (сувнинг тўлиқ таҳлили учун) ва сувнинг 950-2011 Давлат Стандартига мувофиқлиги, сувнинг ичимлилик сифатига таъсир кўрсатувчи органолептик ва кимёвий кўрсаткичлари:

- ҳиди, тиниқлиги, лойқалиги;
- рН, қуруқ қолдиқ, умумий қаттиқлиги;
- хлоридлар, сульфатлар, темир, марганец, мис.

3. Токсикологик кўрсаткичларнинг РЭМ қийматларига мувофиқлигини баҳолаш:

-захарли моддалар борлигини текшириш заруриятини аниқлаш (анализ турини ҳисобга олиб сувга берилган хужжатнинг паспорт қисми бўйича - қисқартирилган, умумий, махсус токсикологик);

-текширилган моддаларнинг концентратсияларини 950-2011. Давлат стандартига мувофиқ бўлган қийматлари билан таққослаш ёки РЭМ рўйхати бўйича.

4. Микробиологик кўрсаткичларни баҳолаш:

- анализ турини аниқлаш (умумий, махсус паразитологик ёки вирусологик);

- 950-2011 Давлат Стандартига мувофиқ микробиологик кўрсаткичларни баҳолаш.

5.950-2011 Давлат Стандарти талабларига мувофиқ, радиоактив ифлосланиш кўрсаткичларини баҳолаш (агар сувнинг радиометрик анализи ўтказилган бўлса).

6. Текширилаётган сувнинг 950-2011 Давлат Стандарти «Ичимлик суви» талабларига мувофиқлиги ҳақида хулоса бериш.

11.ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ ХОНАЛАРДА МИКРОИҚЛИМ КЎРСАТКИЧНИ ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

Мазкур турдаги текшириш амалда ҳамма назорат остидаги объектларда амалга оширилади.

Текширишни бажариш учун қуйидагилар зарур: термометр, термоанемометр, ҳамда олинган натижаларни баҳолаш учун шунга мувофиқ СанҚ ва М.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Хонадаги ўртacha ҳароратни аниқлаш:

-ўлчашларни полдан 1,5 м баландликда, 3-4 дақиқа давомида ҳар бир нуқтада кам деганда 3 тадан ўлчаш амалга оширилади.(болалар муассасаларида 0,8 м баландда);

-ҳамма ўлчашлар натижасига кўра ўртacha қиймат ҳисобланади.

2. Вертикал йўналишда ҳаво ҳароратининг фарқи (градиенти) қиймати ўлчанади:

-ҳароратни 0,1 ва 1,1 баландликда ўлчаш ўтказилади.

-ўлчанган қийматлар ўртасидаги фарқ топилади.

3. Горизонтал йўналиш бўйича ҳарорат фарқи (градиент)ни аниқлаш:

-ташқи девор ва деворлардан 1 м узоқликда ўлчаш амалга оширилади;

-ўлчанган қийматлар ўртасидаги фарқ топилади.

4. Олинган натижаларни баённомага тўлдирилади.
5. Шунга мувофиқ СанҚва М дан керакли гигиеник талабаларни ёзиб олинади. Олинган ўлчаш натижалари гигиеник талаблар билан таққосланиб баҳоланади.

12. ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ ХОНАЛАРНИ ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

Мазкур турдаги текшириш амалда ҳамма назорат остидаги объектларда амалга оширилади.

Текширишни бажариш учун қуйидагилар зарур: аспирацион психрометр, термоанемометр, ҳамда олинган натижаларни баҳолаш учун шунга мувофиқ СанҚ ва М.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Психрометрни ишга тайёрлаш:
2. ҳўл термометр шарчасини дистилланган сув билан ҳўллаш;
3. вентиляторни юргизиш ва психрометрни керакли жойга осиб қўйиш;
4. 7-8 дақиқадан сўнг , ҳўл ва қуруқ термометрнинг кўрсатишини олиш;
5. аспирацион психрометр учун психрометрик жадвал бўйича қуруқ ва ҳўл термометрларнинг кўрсатишига мувофиқ нисбий намликтопилади(жадвал бўлмаган тақдирда ҳисоблаш усулидан фойдаланиш мумкин).
6. Олинган натижаларни баённомага тўлдирилади.
7. Шунга мувофиқ СанҚва М дан керакли гигиеник талабаларни ёзиб олинади.
8. Олинган ўлчаш натижалари гигиеник талаблар билан таққосланиб баҳоланади.

13. ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ ХОНАЛАРНИНГ ҲАВОНИНГ ҲАРАКАТ ТЕЗЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

Мазкур турдаги текшириш амалда ҳамма назорат остидаги объектларда амалга оширилади.

Текширишни бажариш учун қуйидагилар зарур: анемометр, термоанемометр, ҳамда олинган натижаларни баҳолаш учун шунга мувофиқ СанҚ ва М.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. асбоб шкаласи кўрсаткичини ёзиб олиш;
2. асбобни керакли жойга ўрнатиш, асбобнинг қанотларини ёки косачалари тўлиқ айланишига имкон бериш;
3. асбоб ричагини ишчи ҳолатига 3 дақиқага ўтказиш(Т, сек);
4. асбобни ўчириб, унинг кўрсатишини ёзиб олиш;

5. асбобнинг бирламчи ва охириги кўрсаткичи ўртасидаги фарқни ҳисоблаш(A);

6. қанот ёки косачанинг айланиш миқдорини сек. ларда ҳисоблаб топиш (B): $V=A:T$;

-асбобга ёзилган график бўйича ҳавонинг ҳаракат тезлигини (м/сек) топилган айлана/сек сонига мувофиқ топиш.

7. Катотермометрия:

-катотермометр резервуарини қайноқ сувга солиш, спиртни юқори резервуарнинг ярмигача кўтарилишини кутиш;

-асбобни сувдан олиб , қуритилади ва текшириладиган жойда штативга осиб кўйилади;

-спиртнинг совиши жараёнида унинг 38 дан 35°Сгача тушиш вақти белгиланади(сек), t;

-ҳавонинг совутиш хусусияти ҳисобланади: $V=F:t$;

-ҳавонинг совутиш хусусиятини ҳисобга олиб , унинг ҳаракат тезлиги ҳисоблаб топилади $V=((H:Q-0,2):0,4)m/c$.

1. Олинган натижаларни баённомага тўлдирилади.

2. Шунга мувофиқ СанҚва М дан керакли гигиеник талабаларни ёзиб олинади.

3. Олинган ўлчаш натижалари гигиеник талаблар билан таққосланиб баҳоланади.

14. ХОНАЛАРНИНГ ИНСОЛЯЦИЯ, ТАБИИЙ ВА СУНЪИЙ ЁРУҒЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

Мазкур турдаги инструментал текширишлар ДСЭНМ ларнинг назорати остидаги жуда кўп объектларида ўтказилади

Текширишни ўтказиш учун қуйидагилар зарур: компас, люксметр, ҳамда ҚМҚ-“Табиий ёритилганлик”

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Компас бўйича хона ориентациясини аниқлаш.

2. Жадвал ёрдамида хонанинг инсоляцион тартиби табиатини, қуёшнинг тушиш вақтини ва хонанинг қуёш тушадиган майдонини аниқлаш.

3. Люксметрни ишга тайёрлаш:

- керакли насадкани танлаш ва уни фотоэлементга ўрнатиш;

- фотоэлементни галванометрга улаш.

4. Бино ичидаги табиий ёруғлик қийматларини кам деганда 3та нуқтада ўлчаш (иш жойлари) ва мувофиқ насадкаларни ўрнатиш орқали ташқаридаги ёруғлик даражасини ўлчаш

- Ё ички ваЁ ташқи).
5. ТЁК-ни ҳисоблаб топиш: $ТЁК = (Ё \text{ ички} : Ё \text{ ташқи}) \times 100\%$.
 6. Хонадаги 3-4 та нуқтада сунъий ёритилиш қийматларини ўлчаш (насадкани ҳисобга олиб), ўртача қийматни ҳисоблаш.
 7. Ўлчаш натижаларини баённомага ёзиш, олинган натижаарни ҚМҚ “Табиий ёритилганлик” талабларини ҳисобга олиб баҳолаш.

15. ШОВҚИН ВА ТЕБРАНИШ ЖАДАЛЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

Мазкур текшириш тури ишлаб чиқариш, ҳамда зарурият туғилганда - бошқа объектларда (аҳоли яшаш жойлари, турар-жой бинолари, болалар муассасалари ва б. қ.) ҳам ўтказилади.

Ўлчашларни амалга ошириш учун ИШВ-1 (ВШВ-003М-2 ёки шовқин-тебранишни ўлчайдиган бошқа турдаги асбоблар) асбоби зарур.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Микрофонни иш жойига ўрнатилади (тебранувчи юзалар бўлса виброузатгич).
2. Шовқин (тебраниш) жадаллигини дБА ларда ўлчаш:
3. Шовқин спектрини ўлчаш (тебраниш):
 - ўлчаш тури бурагичини «филтр» га қўйиб, тезланиш (частота) бурагичини - бирин-кетин -16, 32, 64 ва ҳ. к. ҳолатларига ўтказиш;
 - ҳар бир частотада асбоб кўрсатишини ёзиб олиш.
4. Ўлчаш натижаларини баённомага кўчириш.
 - тумблерни «товуш» ҳолатига, ўлчаш тури бурагичини «лин», иш тар-тиби бурагичини -»тез» га қўйиш;
 - кам деганда 3 та ўлчаш натижалари бўйича, асбоб кўрсатишини ёзиб олиш ва ўртача қийматни топиш.
5. Текширалётган объектга боғлиқ ҳолда шовқин ва тебранишнинг белгиланган РЭД ҳисобга олиб, натижаларни баҳолаш.

16. ХОНАЛАРНИ ШАМОЛЛАТИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА ҲАВО АЛМАШИНИШ КАРРАЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Мазкур турдаги текшириш саноат корхоналари бинолари, турар-жой. жамоат бинолари, даволаш-профилактика муассасалари, мактабгача болалар муассасалари, мактабларда ҳавони шамоллатилиш сифатини баҳолашда ўтказилади.

Текширишни ўтказиш учун қуйидагилар зарур: анемометр (ёки микро-анометр), рулетка, объектларга мувофиқ равишда СанҚ ва М.

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Ҳаво кириш ва чиқиш тешикларининг диаметрини ўлчаш, унинг ра-диуси ва кесмаси майдонини ҳисоблаш (F).
2. Аппаратурани ишга тайёрлаш: найчаларни микроаноматрга улаш ва шамоллатиш майдонига анемометрни ўрнатиш.
3. Кираётган хавонинг статик, динамик ва умумий босимини ўлчаш ёки бевосита узатилаётган ҳавонинг ҳаракат тезлигини аниқлаш (анемометрия). .
4. Агар ҳаво кириш мосламасида хавонинг босими ўлчанган бўлса, хаво-нинг ҳаракат тезлигини ҳисоблаб топиш.
5. Шамоллатишнинг самарадорлигини формула ёрдамида аниқлаш: $Q = VИ \times F \times 3600$ куб м/соат.
6. Хонанинг ҳажмини аниқлаш (яшаш, жамоат, ДПМ) - $V2$.
7. Ҳаво алмашилиш карралигини ҳисоблаш (ХАК): $KВ = (Q : V2)$.
8. Натижаларни баённомага ёзиш ва текшириш ўтказилган объект турига мувофиқ келадиган гигиеник талабларни ҳисобга олиб, олинган натижаларни баҳолаш.

17.ТУПРОКНИНГ ДОНАДОРЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

Бу текширишлар турар жой бинолари, болалар объектлари, дам олиш жойлари, ДПМ чиқиндиларни зарарсизлантириш объектларини жойлаштириш учун ер участкасини танлашда керак бўлади.

Зарурий асбоблар ва жиҳозлар: техник тарози ва унинг тошлари, тупроқни элаш учун элаклар тўплами, 1000 мл ли ўлчов цилиндрлари, шиша найчалар маҳкамланган штативлар, Петри косачалари

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

- ҳавода қуритилган 200-300 грам тупроқ намунасини тортиб олиш;
 - элаклар тўплами ёрдамида уни элакдан ўтказиш
 - элакнинг ҳар бирида ушланиб қолган тупроқ фракциясининг массасини аниқлаш;
 - фракцияларнинг фоизлардаги нисбатини ҳисоблаш.
- . Текшириш натижаларини баённома кўринишида расмийлаштириш, турли объектларни жойлаштириш учун шу тупроқ муҳитидан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш.

18. ТУПРОКНИНГ ҒОВАКЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

Бу текширишлар турар жой бинолари, болалар объектлари, дам олиш жойлари, ДПМ чиқиндиларни зарарсизлантириш объектларини жойлаштириш учун ер участкасини танлашда керак бўлади.

Зарурий асбоблар ва жиҳозлар: техник тарози ва унинг тошлари, тупроқни элаш учун элаклар тўплами, 1000 мл ли ўлчов цилиндрлари, шиша найчалар маҳкамланган штативлар, Петри косачалари

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

Тупроқнинг ғоваклилигини аниқлаш:

- цилиндрга 500 см. куб тупроқ солиш (а) ва шу цилиндрга 500 мл сув қуйиш (в);

- умумий ҳажмни ўлчаш(с);

- формула бўйича тупроқнинг ғоваклилигини ҳисоблаш:

$$X = (a + b - c) : a \times 100\%$$

Текшириш натижаларини баённома кўринишида расмийлаштириш, турли объектларни жойлаштириш учун шу тупроқ муҳитидан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш.

1. СХМга қўйиладиган гигиеник талабларни кўрсатинг?

+ободонлаштирилган

+кўкаламзорлаштирилган

-кўчалар тармоқларининг мавжудлиги

-канализациянинг мавжудлиги

19.ТУПРОКНИНГ СУВ ЎТКАЗУВЧАНЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

Бу текширишлар турар жой бинолари, болалар объектлари, дам олиш жойлари, ДПМ чиқиндиларни зарарсизлантириш объектларини жойлаштириш учун ер участкасини танлашда керак бўлади.

Зарурий асбоблар ва жиҳозлар: техник тарози ва унинг тошлари, тупроқни элаш учун элаклар тўплами, 1000 мл ли ўлчов цилиндрлари, шиша найчалар маҳкамланган штативлар, Петри косачалари

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

- паст томони дока билан ўраб қўйилган шиша найчага 20 см баландликда текширилувчи тупроқ. намунасини солиш;
 - найча тепасидан 4 см баландликда сув устунини ҳосил қилиш ва бу устунни текшириш давомида бир хилда бўлишини таъминлаш;
 - тупроқ қатлами орқали сувни ўтиш вақтини белгилаш.
- Текшириш натижаларини баённома кўринишида расмийлаштириш, турли объектларни жойлаштириш учун шу тупроқ муҳитидан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш.

2. СХМни ташкил этиш давлат санитар назоратнинг ва атмосфера ҳавосини муҳофазасига қаратилган чора тадбирларнинг қайси гуруҳига киради?

+режалаштирувчи чора тадбирлар

+огоҳлантирувчи санитар назорат

-технологик чора тадбирлар

-қонуний чора тадбирлар

20. АҲОЛИ ЯШАШ ЖОЙЛАРИДА ҲАВОНИНГ ЧАНГЛАНГАНЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

Ҳавонинг чангланганлигини текшириш ҳамда аҳоли яшаш жойлари атмосфера ҳавосининг ҳолатини баҳолашда ўтказилади.

Керакли асбоблар ва жиҳозлар: аналитик тарози, АФА ёки ФПП филтрлари, аллонж, аспиратор.

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Тоза филтрни тортиш, унинг массасини филтр тутгичининг дастасига ёзиб қўйиш (P1).
2. Ҳаво намунасини тортиб ўтказиш учун керакли тизимни тўплаш.
3. Филтр орқали 15-20 л/дақ. тезликда 3-5 дақ. давомида текширилувчи ҳавони ўтказиш.
4. Филтр орқали ўтказилган ҳаво ҳажмини аниқлаш
5. Чангланган филтр вазнини тортиш (P2).
6. Чангланганликни ҳисоблаш: $X = (P2 - P1) : V \times 1000$ мг/м куб.
7. Чангланганлик даражасини «X»ни мазкур турдаги чангнинг РЭЖ билан таққослаш ва мазкур шароитни ҳисобга олиш орқали баҳоланади.

1. Атмосфера ҳавоси ҳолатини баҳолашда қўлланиладиган синама олиш усуллари кўрсатинг?

+седиметацион

+аспирацион

- сепарация усули
- профилактик усул

21. СУВ ТАРҚАТИШ ТАРМОҒИДАН ИЧИМЛИК СУВИДАН ЛАБОРАТОРИЯ ТЕКШИРИШЛАРИ УЧУН НАМУНАЛАР ОЛИШ

Мазкур кўникма тури коммунал гигиена соҳасидаги врачнинг кундалик иш фаолиятида хўжалик- ичимлик сув таъминоти, сув таъминоти учун манба танлаш ва сув манбаининг санитар ҳолатини назорат қилишда қўлланилади.

Сув намунасини олиш учун қуйидагилар зарур: батометр, пўкак қопқоқли шиша идишлар, спирт лампаси

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Сув жўмрагини спирт лампаси алангасида қиздириш (бактериал текшириш учун намуна олиш).
2. Сувни 10 дақиқа давомида оқизиб кўйиш
3. Идишни текширилувчи сув билан чайиш
- 4 Сув намунасини олиш- 2 л (бак текшириш учун стерилланган идиш)
5. Идиш оғзини беркириб, уни муҳрлаш
- 6 Кузатув хатини тўлдириш (намуна қаердан ва қачон олинган, унинг хажми, лабораторияга қайси мақсадларда юборилаяпти, намуна ким томонидан олинган)
- 7 Намунани текшириш учун лабораторияга жўнатиш (консервациялаш, ёки унинг имконияти бўлмаса, зудлик билан жўнатиш). Бактериологик текшириш учун сув намунасини олингандан кейин 2 соат давомида лабораторияга етказилиши керак.

22. СУВ ҲАВЗАЛАРДАГИ СУВДАН ЛАБОРАТОРИЯ ТЕКШИРИШЛАРИ УЧУН НАМУНАЛАР ОЛИШ

Мазкур кўникма тури коммунал гигиена соҳасидаги врачнинг кундалик иш фаолиятида хўжалик- ичимлик сув таъминоти, сув таъминоти учун манба танлаш ва сув манбаининг санитар ҳолатини назорат қилишда қўлланилади.

Сув намунасини олиш учун қуйидагилар зарур: батометр, пўкак қопқоқли шиша идишлар, спирт лампаси

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Идишни манбадаги сув билан чайиш
2. Идишга керакли хажмда сув намунасидан олиш (2л). Намунани керакли чуқурликдан олиш учун батометр асбоби зарур.
- 3.Идиш оғзини беркитиб, уни муҳрлаш

4. Кузатув хатини расмийлаштириш (намуна қаердан ва қачон олинган, намуна олиш вақтидаги об- ҳаво шароити, намунанинг хажми, лабораторияга қандай мақсадлар учун юборилаяпти, намуна ким томонидан олинди).

5. Намунани лабораторияга жўнатиш

23. ЧИҚИНДИ СУВЛАРДАН ЛАБОРАТОРИЯ ТЕКШИРИШЛАРИ УЧУН НАМУНАЛАР ОЛИШ

Мазкур кўникма тури коммунал гигиена соҳасидаги врачнинг кундалик иш фаолиятида хўжалик- ичимлик сув таъминоти, сув таъминоти учун манба танлаш ва сув манбаининг санитар ҳолатини назорат қилишда қўлланилади.

Сув намунасини олиш учун қуйидагилар зарур: батометр, пўкак коққоқли шиша идишлар, спирт лампаси

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Чиқинди сувининг ҳосил бўлиш шароитини аниқлаш
2. 2-3 л хажмдаги ўртача намуна олиш учун ҳар соат давомида 200- 300 мл дан намуна олиб туриш
3. Чиқинди сувининг таркиби кескин ўзгариб туриш шароитида, текшириш учун куннинг турли вақтларида 2 л дан бир марталик намуналар олиш
4. Кузатув хатини тўлдириш (намуна қаердан ва қачон олинган, унинг тахминий таркиби, олинган намунанинг хажми, лабораторияга қандай мақсадлар учун юборилаяпти, намуна ким томонидан олинди)
5. Намунани лабораторияга жўнатиш

24. ЛАБОРАТОРИЯ ТЕКШИРИШЛАРИ УЧУН АТМОСФЕРА ҲАВОСИДАН АСПЕРАЦИОН УСУЛДА НАМУНАЛАР ОЛИШ

Лаборатория текширишлари учун ҳаво намунасини олиш, коммунал объектларида микроклим кўрсаткичларини назорат қилиш, ҳамда атмосфера ҳавосининг ҳолатини назоратдан ўтказиш

Зарурий жиҳозлар: реометрли аспиратор, ютувчи (поглопител) асбоблар, газ пипеткалари.

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Ютувчи эритма тайёрлаш, уни ютувчи склянкага солиш.
2. Ютувчи асбобни аспираторга улаш.
3. Системани инсон нафас олиш зонасига жойлаштириш (ёки аҳоли яшаш пунктидаги текшириш нуқтаси).
4. Ютувчи эритма орқали керак бўлган хажмдаги ҳавони ўтказиш (текширилувчи модданинг табиати ва ҳавони тахмин қилинган даража-да

ифлосланганлигига боғлиқ ҳолда). Бир жойнинг ўзидан кетма-кетликда 5 та намуна олинади.

5. Атмосфера ҳавосидан намуна олишда, бир йўла ҳаво ҳарорати, намлиги ва ҳавонинг ҳаракат тезлиги аниқланади.

6. Кузатиш хатини тўлдириш (намуна қачон ва қаердан олинган, лабораторияга қандай мақсадлар учун юборилаяпти; атмосфера ҳавосидан намуна олиш вақтидаги об-ҳавонинг ҳолати).

7. Намунани лабораторияга жўнатиш.

1 Атмосфера ҳавосидан синама олиш усуллари кўрсатинг?

+аспиратцион

+седиметацион

+ҳаводан идишларга эвакуатсия усулида синама олиш

-Данилюк усули

-Зайцев ютувчи муҳитидан фойдаланиш

-Полежаев ютувчи муҳитидан фойдаланиш

25. ЛАБОРОТОРИЯ ТЕКШИРИШЛАРИ УЧУН АТМОСФЕРА ҲАВОСИДАН ВАКУУМ УСУЛИДА НАМУНАЛАР ОЛИШ

Лаборатория текширишлари учун ҳаво намунасини олиш, ишлаб чиқариш объектларида микроиклим кўрсаткичларини назорат қилиш, ҳамда атмосфера ҳавосининг ҳолатини назорат қилишда ўтказ

Зарурий жиҳозлар: реометрли аспиратор, ютувчи (поглоител) асбоблар, газ пипеткалари.

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Газ пипеткасини сув билан тўлдириш.

2.Текшириш жойида пипеткадан сувни тўкиш (сув ўрнига пипеткага текшириладиган ҳаво киради), газ пипеткаси жўмракларини беркитиш (ёки қисқичлар билан қисиш).

3. Кузатиш хатини тўлдириш

4.Лабораторияга жўнатиш..

26 ЛАБОРОТОРИЯ ТЕКШИРИШЛАРИ УЧУН ТУПРОҚ НАМУНАСИНИ ОЛИШ

Тупроқнинг ҳолатини текширишдан ўтказишга зарурият турли объектларни қуриш учун ер майдонларини ажратишса (аҳоли яшаш уйлари, болалар муассасалари, даволаш-профилактика муассасалари, дам олиш минтақалари ва б. қ) ҳамда тупроқ. муҳитини кимёвий бирикмалар,

микроорганизмлар ва гельминт тухумлари билан ифлосланганлигини баҳолашда туғилади.

Керакли жиҳозлар: тупроқ бурғиси, белкурак, пичоқ, қоғоз варағи, полиэтилен қопчалар

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Катталиги 25 кв. м дан бўлган, 2 та майдонча белгиланади (тешири-лувчи ва «назорат»- тоза майдонча).
2. Ҳар бир майдончада 5 тадан нуқта белгиланади.
3. Ҳар бир нуқтада чуқурча қовланади (шурф) - 0,3x0,3x0,2.
4. Чуқурча деворини пичоқ билан тозаланади ва керакли чуқурликдан 300-350 гр миқдорида намуна олинади. Намунани керакли чуқурликдан тупроқ бурғиси ёрдамида олиш ҳам мумкин.
5. 5та нуқтадан олинган намуналар қўшилади, аралаштирилади ва 1 кг миқдорида ўртача намуна олинади, пластмассали қопчага солинади.
6. Кузатиш хати тўлдирилади (намуна қаердан ва қачон олинган, олинган чуқурлиги, намуна олиш вақтидаги об-ҳаво шароити, олинган намунанинг массаси, лабораторияга қандай мақсадлар учун юборилаяпти, намуна ким томонидан олинган).
7. Намуна лабораторияга жўнатилади.

27.СУВНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТЕКШИРИШ

Мазкур текшириш тури аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминланишининг асосий назорати ҳисобланади, шунинг учун объектни тек-ширувчи ДСЭНМ санитар-гигиеник лабораториясида ишловчи ва шу объектни назорат қилувчи врач, қуйидаги таърифлар бўйича ичимлик сувини текшириш усули ва ҳажмини билиши шарт.

Керакли жиҳозлар: санитария-кимёвий лаборатория жиҳозлари

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Сувнинг ҳароратини аниқлаш - бевосита сув манбаи ёки жўмрақдан оқаятган сувда.
2. Сувнинг ҳидини аниқлаш - зич ёпиладиган идишдаги сувда 20 ва 60°C ҳароратда одоратсия қилинади.
3. Қўшимча таъмни аниқлаш - фақат сувнинг организм учун ҳавфсизлигига ишонч бўлсагина, 5 балли тизим бўйича баҳоланади.
4. Тиниклиги - Снеллен шрифти бўйича.
5. Лойқалиги - Давлат стандарти - 3351-74 бўйича.
6. Ранглилиги - Давлат стандарти - 3351-74 бўйича.

28. СУВНИНГ КИМЁВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТЕКШИРИШ

Мазкур текшириш тури аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминланишининг асосий назорати ҳисобланади, шунинг учун объектни тек-ширувчи ДСЭНМ санитар-гигиеник лабораториясида ишловчи ва шу объектни назорат қилувчи врач, қуйидаги таърифлар бўйича ичимлик сувини текшириш усули ва ҳажмини билиши шарт.

Керакли жиҳозлар: санитария-кимёвий лаборатория жиҳозлари

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Куруқ қолдиқ - Давлат стандарти -18164-72 бўйича.
2. рН- ионометрия бўйича.
3. Умумий қаттиқлиги - Давлат стандарти - 4151-72 бўйича.
4. Аммоний тузлари- Давлат стандарти - 4192-82 бўйича.
5. Нитритлар- Давлат стандарти - 4192-82 бўйича.
6. Нитратлар - Давлат стандарти -18826 - 73 бўйича.
7. КБЭ (кислороднинг биокимёвий эҳтиёжи-20) -эриган кислород бўйича (йодометрик усул).
8. Оксидланувчанлиги - перманганат усули.
9. Хлоридлар - Давлат стандарти 4245 - 72 бўйича.
10. Сульфатлар - Давлат стандарти - 4389 -72 бўйича.
11. Темир - Давлат стандарти - 4011 - 72 бўйича.

29. ИЧИМЛИК СУВИНИНГ ЛАБОРАТОРИЯ ТЕКШИРИШИ НАТИЖАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ БАҲОЛАШ

Хўжалик-ичимлик сувининг гигиеник назорати Давлат стандарти 950-2011 «Ичимлик суви» талабларига мувофиқлигини баҳолаш мақсадида сув намуналарини мунтазам равишда лаборатория текширишларидан ўтказиб туришни назарда тутади.

Кўникмани ўзлаштириш учун қуйидагилар зарур: ичимлик сувини лаборатория текшириши натижалари, Давлат стандарти 950-2011

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Сувни лабораторияда ўтказилган тешириш турини аниқлаш (қисқартирилган, умумий физик-кимёвий, махсус вирусологик, махсус токсикологик, махсус радиацион).

2. Сувни қисқартирилган схема бўйича текширишда - қуйидаги кўрсаткичларининг Давлат стандарти 950 - 2011 талабларига мувофиқлигини аниқлаш:

- умумий микроблар сони, коли-индекс;

- хиди, қўшимча таъми, лойқалиги, pH;
- қолдиқ алюминий, қолдиқ хлор, қолдиқ озон;
- фтор, темир, марганец, хлоридлар.

3. Умумий физик-кимёвий текширишда қуйидаги кўрсаткичларнинг Давлат стандарти 950 - 2011 талабларига мувофиқлиги аниқланади:

- қуруқ қолдиқ, қаттиқлиги, темир, сульфатлар, хлоридлар;
- полифосфатлар, политциклик ароматик углеводородлар, нефт маҳсулотлари;
- маргумуш, нитритлар, нитратлар, кўрғошин, фтор, марганец.

4. Махсус вирусологик ва паразитологик анализда - қуйидаги кўрсаткичлар бўйича Давлат стандарти 950 - 2011 талабларига мувофиқлиги ўрганилади:

- коли-фаглар;
- оддий патогенлар;
- гелминт тухумлари.

5. Махсус токсикологик таҳлилда - Давлат стандарти 950-2011 талабларига мувофиқлиги ёки рўйхат бўйича қуйидаги кўрсаткичларнинг РЭЖ га мувофиқлиги: барий, бор, кадмий, молибден, кадмий, никел, симоб, стронций, хром, сианидлар, галоген тутувчи учувчи бирикмалар, бензол, банз(а)пирен, пестицидлар, фенол.

6. Махсус радиацион таҳлилда Давлат стандарти талабларига мувофиқлигини аниқлаш:

- алфа-активликнинг йиғинди ҳажми;
- бета-активликнинг йиғинди ҳажми.

30. СУВНИ ТОЗАЛАШ УЧУН КОАГУЛЯНТ ДОЗАСИНИ АНИҚЛАШ

Мазкур кўникма ичимлик сувининг тозалаш сифатини назоратдан ўтказишда керак. Врач сувни коагуляцияланиши ва хлорланишини тўғри бажарилишини назорат қилишни билиши ва зарурият туғилганда уни ўтказиш бўйича маслаҳатлар бера олиши керак.

1. Сувнинг йўқотса бўладиган қаттиқлик қийматини аниқлаш.
2. Сувнинг йўқотса бўладиган қаттиқлик миқдорига боғлиқ ҳолда жад-вал бўйича 200 мл сув учун коагулянт дозасини топиш.
3. Танланган коагулянт дозасини текшириш (учта стаканда тажриба коагуляцияси)
4. 10 дақиқадан сўнг, энг яхши коагуляция кетган стакан бўйича коагулянт дозасини танлаш.

5. 1 л ва ҳар қандай сув ҳажми учун коагулянт дозасини ҳисоблаш.

31. СУВНИ ТОЗАЛАШ УЧУН ХЛОР ДОЗАСИНИ АНИҚЛАШ

Мазкур кўникма ичимлик сувининг тозалаш сифатини назоратдан ўтказишда керак. Врач сувни коагуляцияланиши ва хлорланишини тўғри бажарилишини назорат қилишни билиши ва зарурият туғилганда уни ўтказиш бўйича маслаҳатлар бера олиши керак.

Сувни хлорлаш

1. Хлорли оҳакнинг фаоллигини аниқлаш.
2. 1%-ли хлорли оҳак эритмасининг фаоллигини аниқлаш.
3. Текширилувчи сувни учта стаканда уч хил дозадаги хлорли оҳак эрит-маси билан тажриба хлорлашини ўтказиш.
4. 30 дақиқадан сўнг учта стакандаги қолдиқ хлор миқдорини аниқлаш.
5. Қолдиқ хлор миқдори 0,3-0,5 мг/л тенг бўлган стаканни танлаш ва шу стакан бўйича хлор дозасини 1 л ва ҳар қандай ҳажмдаги сувга ҳисоблаб топиш.

32. СУВДАГИ ҚОЛДИҚ ХЛОР МИҚДОРINI АНИҚЛАШ

Мазкур кўникма хлорнинг дозасини танлашда, ҳамда сувнинг хлорланиш сифатини баҳолаш учун зарур.

Керакли жиҳозлар: хлорланган теширилувчи сув, кимёвий идишлар, реактивлар

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Колбага 250 мл текширилувчи сувни қуйиш.
2. 5 мл 5%-ли калий ёд эритмаси, 5 мл буфер эритма ва 1 мл крахмалнинг 1 % ли эритмаси қўшилади.
3. Намуналарни натрий гипосульфитининг 0,001% эритмаси билан колбадаги сувнинг кўк ранги йўқолгунча титрлаш.
4. Қолдиқ хлорни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш:
$$X = (n \times K \times 0,355 \times 1000) : 250 \text{ (мг/л)}$$
; бу ерда - n - намунани титрлаш учун кетган гипосульфитнинг мл даги миқдори; K - гипосульфит тит-рига тўғрилаш коэффициенти.
5. Қолдиқ хлорнинг гигиеник меъёрини ҳисобга олиб, олинган натижани баҳолаш.

33. ТУПРОҚНИНГ ОРГАНИК ИФЛОСЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТЕКШИРИШ ВА БАХОЛАШ

Текшириш тупроқни ахлат ёки бошқа турдаги органик ифлосланишига шубҳа туғилганда ўтказилади (болаларнинг ўйин майдончалари, дам олиш жойлари, болалар ва даволаш-профилактика муассасалари ва б. қ.).

Текширишни ўтказиш учун қуйидагилар зарур: теширилувчи тупроқ намуналари, техник тарози ва тошлари, шюттел - аппарат, кимёвий идиш-лар, реактивлар, филтр қоғозлари.

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Текширилувчи тупроқдан 50 гр тортиб олиш, 500 мл ли колбага солиш.
2. Колбадаги тупроқ устига 250 мл дистилланган сув қуйиш, 10 дақиқа давомида шюттел-аппаратида чайқатиш.
3. Колбага 7%ли калий ишқори эритмаси ва 1%ли алюминий сульфат эритмасидан 3 мл, қуйиш, аралаштириш, ҳосил бўладиган паға-ларнинг чўкишига имкон яратиш.
4. Эритманинг тиниқланган қисмини филтрлаш.
5. Филтратда аммоний тузларининг борлигини аниқлаш (Несслер реактиви ёрдамида сифат анализи).
6. Филтратда нитритларнинг борлигини аниқлаш (Грисс реактиви ёрдамида сифат анализи).
7. Натижаларни баҳолаш:
 - аммоний тузларига ижобий реакция - янги органик ифлосланиш;
 - нитритларга ижобий реакция - нисбатан яқинда органик ифлосланиш.

34. ТУПРОҚНИ ГЕЛЬМИНТООВОСКОПИК ТЕКСЎИРИШ ВА ОЛИНГАН НАТИЖАЛАРНИ БАХОЛАШ

Мазкур текширишлар ОСН ва ЖСН тартибида турар жойлар, ДПМларда ўтказилади, гельминт тухумлари тупроқни ахлатлар билан янгитдан ифлосланишидан далолат беради.

Керакли жиҳозлар: тупроқ намунасини олиш учун жиҳозлар, центрифуга, кимёвий идишлар, реактивлар, предмет ва ёпиш ойначалари, микроскоп, шюттел-аппарат.

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Текширилувчи участканинг 10 та нуқтасидан (50 кв. м) ўртача тупроқ намунаси (1кг) тайёрланади, лабораторияга жўнатилади.
2. 20 г тупроққа 20 мл калий ишқорининг 5% ли эритмасидан қўйилади ва шюттел-аппаратида 1 соат давомида чайқатилади.
3. Аралашмани центрифугаланади (1 дақ-да 1000 айланиш), ишқор тўкиб ташланади.
4. Ҳосил бўлган чўкмани тўйинган натрий нитрат эритмаси билан аралаштирилади.
5. Аралашмани центрифугаланади.
6. Центрифугаловчи пробиркага шишиб чиққан мениск ҳосил бўлгунча натрий нитрат эритмаси қўшилади.
7. Ҳосил бўлган менискни предмет ойначаси билан 20 дақиқага ёпилади.
8. Тез ҳаракат билан ёпилган ойнача олинади, бошқа томонига айлантирилади ва ёпиш ойначаси билан ёпилади (препаратни тайёрлашда 7. 8-чи бандларни 3 марта қайта қилинади).
9. Олинган ҳамма препаратларни микроскоп остида кичик катталаштириш объектида кўрилади, гелминт тухумларининг сони саналади ва бир вақтнинг ўзида уларнинг яшаш қобилиятлари аниқланади.
10. Гелминт тухумларининг сонини 1 кг тупроқ қисобига қайта саналади.
11. Олинган натижаларни баҳолаш:
 - тоза тупроқ - гелминт тухумлари - 0;
 - кам ифлосланган тупроқ -10 тагача тухум/кг;
 - ўртача ифлосланиш -10 - 100 тагача тухум/кг;
 - кучли ифлосланиш -100 тадан ортиқ.

35. ҲАВО МУҲИТИНИНГ КИМЁВИЙ ИФЛОСЛАНИШИНИ ТЕЗКОР УСУЛЛАРДА ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

Мазкур кўникма ишлаб чиқариш объектларини ЖСН дан ўтказилганда керак бўлади аҳоли яшаш минтақаси ҳавоси таркибидаги кимёвий ифлосланиш даражасини тахминий баҳолаш сифатида фойдаланилади.

Керакли жиҳозлар: ҳавонинг кимёвий ифлосланишини чизикли колориметрик текшириш учун УГ-2 комплекти (ёки АМ-1), СанҚ ва М

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ:

1. Қорхонанинг технологиясини ҳисобга олиб, текшириш ўтказиладиган иш жойларини белгилаш.

2. Тахмин қилинган кимёвий моддани аниқлаш учун асбобни ва индикатор найчаларини тайёрлаш.
3. Тайёрланган керакли индикатор найчасини микроаспираторга улаш.
4. Найча орқали текширилувчи ҳавони сўриш (иш жойларининг белги-ланган нуқталарида).
5. Мувофиқ кимёвий модданинг шкаласи бўйича ҳаво ўтказилган найчадаги индикатор кукуни рангининг ўзгариш устунига қараб, модданинг концентрациясини аниқлаш.

1. Ишлаб чиқариш корхоналарини таснифлашда нималар асос қилиб олинган?

+ташланадиган чиқиндиларнинг зарарлилиги

+корхона қуввати

-чиқинди чиқариш баландлиги

-ер юза инверсияси

